

Илмий ишларда медиаматнларни таҳлил қилишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти

Наргиза МИРЗАЕВА

Доцент

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

nargizamirzaeva465@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада илмий тадқиқотларда медиаматнларни таҳлил қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган. Медиаматн – ижтимоий воқеликни ифодаловчи ва жамиятга таъсир кўрсатувчи комплекс ахборот бирлиги сифатида талқин қилинган. Унда бир нечта семиотик тизимлар – тил, тасвир, овоз ва визуал белгиларнинг уйғун ҳолда намоён бўлиши, медиаматнларни таҳлил қилишнинг турли методлари – дискурс таҳлили, семиотик таҳлил, контент таҳлили ва критик таҳлил кенг қамраб олинган ҳамда уларнинг илмий тадқиқотлардаги аҳамияти асосланган. Шунингдек, медиаматн таҳлили орқали ижтимоий фикрнинг шаклланиши, ахборот манбаларининг таъсирчанлик даражаси ва медиа саводхонликнинг ошишига доир хулосалар берилган.

Таянч сўзлар: медиаматн, илмий таҳлил, дискурс, семиотик тизим, контент таҳлили, медиа саводхонлик, ахборот таъсири, манипуляция, ижтимоий фикр, медиамуҳит

Анализ медиатекстов в научных исследованиях: сущность, содержание и значение

Наргиза МИРЗАЕВА

Доцент

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

nargizamirzaeva465@gmail.com

Аннотация

В данной статье рассмотрены теоретические и прикладные аспекты анализа медиатекстов в научных исследованиях. Медиатекст трактуется как комплексная информационная единица, отражающая социальную действительность и воздействующая на общественное сознание. Он представляет собой синтез различных семиотических систем – языка, изображения, звука и визуальных знаков. В статье подробно анализируются методологические подходы к исследованию медиатекстов: дискурсивный, семиотический, контент-анализ и критический анализ. Также обосновано

значение анализа медиатекстов для формирования общественного мнения, выявления механизмов информационного влияния и повышения медиаграмотности.

Ключевые слова: медиатекст, научный анализ, дискурс, семиотическая система, контент-анализ, медиаграмотность, информационное воздействие, манипуляция, общественное мнение, медиасреда.

Замонавий илмий тадқиқотлар медиа муҳитидаги жараёнларни таҳлил қилиш билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланмоқда. Ахборот тарқатишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган медиатекстлар (яъни медиаматнлар) нафақат жамиятга таъсир кўрсатувчи муҳим манба, балки турли соҳалардаги ижтимоий фикр, миллий ғоя ва маънавий қадриятларни ифода этувчи комплекс конструкция сифатида ҳам ўрганилади. Филология, тилшунослик ёки журналистика соҳаларида илмий-тадқиқот, магистрлик ёки илмий ишларни тайёрлаш жараёни, у ёки бу тарзда, медиаматнлар билан боғлиқ бўлади. Медиаматн тушунчаси муайян мавзу ёки масалага бағишланган матнли хабар ёки медиа жанрининг ҳар қандай кўринишини (масалан, расм, аудио материал, видео дарс ва ҳоказо) ўз ичига олади. Диссертациялар, илмий мақолалар ёзиш ва тилшунослик тадқиқотларини олиб боришда медиаматн таҳлили марказий ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан, илмий тадқиқотларда медиаматнларни таҳлил қилиш – бу лингвистик, контент, семиотик, прагматик, дискурсив ва медиа таҳлилий ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда, медиа орқали тарқатиладиган ғоя, ахборот ва позицияларни теран ўрганишни назарда тутди. Бу ҳолатда тадқиқот объектини – айнан қайси матн намунаси таҳлил қилинишини, тадқиқот предметини – қайси илмий парадигмалар ҳисобга олиниши ва мавзу чегаралари белгиланишини, ўрганишнинг мақсад ва вазифаларини ҳамда бошқа жиҳатларни тўғри аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Илмий ишларда медиаматнларни ўрганиш кўплаб вазифаларни бажаради:

Ахборий. Медиаматнни таҳлил қилиш мавзуни, муайян масала ёки муаммони чуқурроқ англашга, барча фикрлар ва томонларни (қарама-қарши

нуқтаи назарларни) ўрганишга имкон беради. Бундай ёндашув маълумотларни янада сифатли етказишга, ахборот алмашинувининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ташкилий. Замонавий ахборот материалларини таҳлил қилиш уларнинг тузилиши ва мазмунини, услубий нозикликларини, муаллифлик усуллари ва баён этиш услубларини яхшироқ тушунишга йўл очади. Бу эса матннинг ўзига хослигини, мавзунинг ёритилиш даражасини ва оммага таъсирини кўрсатиб беради.

Тавсифий. Қўлёзмани таҳлил қилгач, муаллиф ўз тадқиқотининг бир қисми сифатида уни тавсифлашга киришади. Бунда матннинг моҳияти, услуби, тузилиши ва бошқа жиҳатларига қисқача таъриф беради.

Баҳоловчи. Тадқиқотчи асл матнни таҳлил қилиб, уни амалдаги меъёрлар, илмий парадигмалар ва замонавий тенденциялар билан солиштириш орқали аниқ қонуниятларни, бундай матннинг таъсир натижаларини, ёритилаётган жиҳатларнинг ишончлилигини ва бошқа хусусиятларни кўрсатиб беради [3].

Рус олимаси, профессор Т.Г.Добросклонская медиаматнни ўрганишнинг энг самарали ва кенг тарқалган усуллари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади [2] :

1. Турли тил даражаларида матннинг асосий хусусиятлари ва белгиларини аниқлашга имкон берадиган лингвистик таҳлил усуллариининг бутун бир гуруҳи: лексик, синтагматик (бирикиш), стилистик (троплар, ўхшатишлар, метафоралар ва бошқа стилистик усуллардан фойдаланиш), сотсиолингвистик.

2. Махсус танланган матн бирликларини статистик ҳисоблашга асосланган контент-таҳлил ёки мазмун таҳлили усули.

3. Дискурс тушунчасига асосланган ва матннинг лингвистик ва экстралингвистик томонлари ўртасидаги муносабатни кузатишга имкон берадиган дискурсив таҳлил усули.

4. Медиаматннинг яширин сиёсий-мафкуравий таркибий қисмини аниқлашга имкон берадиган танқидий лингвистика (ёки риторик танқид) усули.

5. Оммавий ахборот матнларининг концептуал томонини ўрганишга асосланган ва реал воқелик ва унинг медиа тақдимоти ўртасидаги муносабатни аниқлашга қаратилган когнитив таҳлил усули.

6. Ва ниҳоят, матннинг маданий аҳамиятга эга компонентларини аниқлашга асосланган лингвомаданий таҳлил усули, масалан: реалиялар, ўзлашмалар, хорижий сўзлар, эквивалент лексикаси бўлмаган бирликлар ва бошқалар, у ёки бу медианутқнинг маданий жиҳати, унинг миллий-маданий ўзига хослиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Филология фанлари доктори, профессор Наталья Кузьминанинг таъкидлашича, “Медиаматнлар моҳиятан фанлараро хусусиятга эга бўлиб, турли хил фанлар: тилшунослик, социология, психология, услубшунослик, маданиятшунослик, сиёсатшунослик ва маданиятлараро мулоқот каби соҳаларнинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Медиаматнларни ўрганишнинг энг самарали ва кенг тарқалган усуллари қаторига қуйидагилар киради: лингвистик таҳлил, контент-таҳлил, дискурс таҳлили, когнитив таҳлил, танқидий тилшунослик усули, медиаматнни лингвистик экспертизадан ўтказиш усули, лингвокултурологик таҳлил усули ва медиалингвистик таҳлил усули” [1; 37].

Т.Г.Добросклонская томонидан тақдим этилган таҳлил усуллари – лингвистик, контент, дискурсив, танқидий, когнитив ва лингвомаданий таҳлиллар – замонавий медиа муҳитидаги маъно шаклланиши ва ижтимоий таъсир механизмларини англашда муҳим восита сифатида қаралади. Унинг назарий ёндашуви медиаматнни кўп қиррали семиотик тизим сифатида ўрганиш зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, профессор Н.А.Кузьмина медиаматнларнинг фанлараро хусусиятини таъкидлаб, уларни турли соҳалардаги тадқиқот объекти сифатида талқин этади. Унинг фикрича, медиаматнларни таҳлил қилишда нафақат лингвистик, балки социология,

психология, маданиятшунослик ва сиёсатшунослик каби фанлар методологиясидан ҳам фойдаланиш талаб этилади. Бу эса таҳлил жараёнини чуқурлаштириш, медиа орқали тарқатилаётган ғоя ва стереотипларни кўпроқ кирралардан англаш имконини беради.

Мазкур фикрлар таҳлил қилинганда, муаллиф сифатида биз медиаматн таҳлилининг интердисциплинар ёндашувини замонавий гуманитар тадқиқотларнинг ажралмас қисми сифатида баҳолаймиз. Медиаматн – бу оддий ахборот манбаи эмас, балки жамиятда ижтимоий фикрни шакллантирувчи, маънавий қадриятларни илгари сурувчи ва таъсир этувчи восита сифатида комплекс таҳлилни талаб қилади. Шу сабабли, ушбу таҳлил усуллари жаҳон тажрибасида синовдан ўтган, илмий асосланган ва маҳаллий тадқиқотларда ҳам кенг қўлланилиши зарур бўлган методлар сирасига киради.

Медиаматн таҳлили илмий тадқиқотларда турли методлар асосида амалга оширилади. Жумладан, дискурс таҳлили медиаматндаги ижтимоий муносабатлар, ҳокимият, идентификация ва таъсир механизмларини ўрганишга қаратилган. Семиотик таҳлил эса медиаматндаги белгилар тизими, уларнинг маъно тузилиши ва мутахассислар томонидан қабул қилиниш усуллари англашга ёрдам беради. Контент таҳлили медиатекста қандай ғоялар, образлар ва фикрлар устувор эканлигини аниқлашга йўналтирилган бўлса, критик таҳлил медиаматндаги стереотиплар, манипулятив стратегиялар ва идеологик муҳтаво таҳлилига асосланади.

Медиаматнларни таҳлил қилиш орқали илмий ишларда қуйидаги вазифалар бажарилади: жамиятдаги ахборот оқимини илмий-танқидий таҳлил қилиш; медиа воситалари орқали тарқатилаётган ғоялар ва уларнинг ижтимоий таъсирини баҳолаш; тил воситаларининг таъсирчанлик даражасини аниқлаш; стереотиплар ва манипуляция механизмларини фош этиш ҳамда ахборот маданиятини тарғиб қилиш ва медиасаводхонликни оширишга ҳисса қўшиш.

Бугунги кунда медиатаҳлил усуллари журналистика, коммуникация, психология, лингвистика, социология, сиёсатшунослик ва тарбия фанларида кенг қўлланилмоқда. Мазкур тенденция медиаматнларни таҳлил қилишга илмий тадқиқотда асосий омил сифатида қараш зарурлигини кўрсатади.

Медиаматнларни таҳлил қилиш – бу фақатгина матннинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш эмас, балки ижтимоий воқеликни қандай тарзда яратилиши ва қабул қилиниши жараёнини илмий жиҳатдан англаш усулидир. Ушбу таҳлил орқали медиа орқали тарқатилаётган ғоялар, стереотиплар, таъсир механизмлари аниқланади, медиа саводхонликни оширишга қўмаклашади. Илмий тадқиқотларда медиатаҳлилни қўллаш орқали муаллиф оммавий ахборот воситаларининг жамиятга қандай таъсир кўрсатаётганини чуқурроқ англаш имконига эга бўлади. Шунинг учун медиаматнлар таҳлили замонавий гуманитар фанларда муҳим ва долзарб тадқиқот йўналиши ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Кузьмина Н.А. Современный медиатекст: учебное пособие / отв. ред. – Омск, 2011. – 414 с.
2. <https://disshelp.ru/blog/klyuchevye-metody-analiza-mediatekstov-v-nauchnyh-rabotah-ot-kontent-analiza-do-diskursivnogo-podhoda/>
3. Язык средств массовой информации: учебное пособие, электронное издание сетевого распространения / Т.Г. Добросклонская. — М.: «КДУ», «Добросвет», 2018. <https://bookonline.ru/lecture/lekciya-7-metody-izucheniya-mediatekstov>